**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 31**

Тошкент ш. 2022 йил "03" 08

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган Тошкент вилояти Чирчик Давлат педагогика институти "Низом" асосида иш кўрувчи ректор Г.И.Мухамедов бир томондан ва кейинги ўринларда **"Бажарувчи"** деб юритиладиган «KELAJAK-S» хусусий корхонаси номидан Устав ва АЛ-000800 сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор **И.Р.Уралов,** иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда **"Тарафлар"** деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 29 июлдаги 122963-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги ўринларда **"шартнома"** деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи **"Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган "Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш"** объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш (топохарита, лойиҳа олди қидирув иши (геология) ишлари билан бирга) мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан **(ҚҚС билан) 690 000 000 (Олти юз тўқсон миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари идоралари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

## 4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик

кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Шартномага қуйидагилар илова қилинади:
1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
2-илова – Қалендар иш жадвали;
3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| БУЮРТМАЧИ | БАЖАРУВЧИ |
|---|---|
| Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti<br>Manzil: Chirchiq shahar, A.Temur ko'chasi, 104-uy.<br>Kontr. x/r: 400910860274197094100079001<br>STIR: 207258862 IFUT: 85420<br>Chirchiq shahar G'aznachilik bo'linmasi<br>X/r: 23402000300100001010<br>MFO: 00014 STIR: 201122919<br>Markaziy bank Toshkent shahar BBXKKM | **«KELAJAK-S» хусусий корхонаси**<br>Манзил: Наманган шаҳар, Б.Машраб кўчаси, 32-уй<br>х/р: 2020 8000 4034 8585 2001<br>ХАБ «Трастбанк» Наманган филиали<br>МФО: 01060, СТИР: 202430660, ИФУТ: 71110 |
| **Ректор** ____________ | **Директор** ____________ **И.Р.Уралов** |

2022 йил "03" 08 даги
31-сонли шартномага **1- сонли илова**

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома нархи бўйича келишув

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз, қуйида имзо қўювчилар, "Буюртмачи" томонидан Тошкент вилояти Чирчик Давлат педагогика институти номидан Низом асосида иш юритувчи **Ректор** Г.И. Мухамедов ва "Бошлойиҳачи" томонидан **«KELAJAK-S» хусусий корхонаси** номидан Устав асосида иш юритувчи **директор И.Р.Уралов,** шартномада лойиҳалаш объекти **"Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган "Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш" объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш (топохарита, лойиҳа олди қидирув иши (геология) ишлари билан бирга)** (2022 йил "03" 08 даги 31-сонли шартнома баҳоси **15% ҚҚС билан 690 000 000 (Олти юз тўқсон миллион)** сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

| **Буюртмачи** | **Бошлойиҳачи** |
|---|---|
| | **«KELAJAK-S» хусусий корхонаси** |
| **Ректор** Г.И. Мухамедов | **Директор** **И.Р.Уралов** |

2022 йил “03” 08 даги
31-сонли шартномага **2-сонли илова**

Объектни номланиши: **“Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган “Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш” объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш (топохарита, лойиҳа олди қидирув иши (геология) ишлари билан бирга)**

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун

**КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ**

| **№ т/р** | **Ишнинг номланиши** | **Ишнинг муддати (бошланиши ва якулланиши)** | **Ишнинг нарх қиймати сўм** |
|---|---|---|---|
| 1. | 2 | 3 | 4 |
| 1. | **“Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган “Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш” объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш (топохарита, лойиҳа олди қидирув иши (геология) ишлари билан бирга)** | **Бошланиши :** Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов амалга оширилгандан сўнг.<br><br>**Муддат: 55** кун | **(ҚҚС билан) 690 000 000 (Олти юз тўқсон миллион) сўм.** |

**Жами: 15% ҚҚС билан 690 000 000 (Олти юз тўқсон миллион) сўм.**

**Буюртмачи**

**Ректор** ____________

**Бошлойиҳачи**

**«KELAJAK-S» хусусий корхонаси**

**Директор** **И.Р.Уралов**

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KELAJAK-S" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KELAJAK-S" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.02.2008 02750 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 202430660

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Namangan shahri, B.MASHRAB, 32,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 4624-645e-de99-00d1-4cb5-5370-3691
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-06-09
Ариза рақами: 19469307

Ҳужжат берилган: ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "KELAJAK-S"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 202430660

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун**
**ЛИЦЕНЗИЯ**

ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "KELAJAK-S" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш Энергетика қурилиши ва алоқа объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш Меъморчилик ва шаҳарсозлик ҳужжатларини алоҳида бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари. Б гуруҳи Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 09-06-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000800

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 202430660

Юридик шахснинг почта манзили: B.MASHRAB, 32

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

3446

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122963 на приобретение Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган"Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш"смета-лойиҳа хужжатлари,топохарита,лойиха олди қидирув (Геология)ишлаб чиқиш учун**

Способ проведения электронный

Дата 29.07.2022

Время рассмотрения 29.07.2022 16:29

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Чирчик Давлат педагогика институти, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MUXAMEDOV GAFURDJAN ISRAILOVICH | rektor | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Секретарь комиссии** | YESIRKEPOV YERBOL EUYESBEKOVICH | харид бўйича бош мутахассис | Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти |
| **Член комиссии** | ORTIKOV OYBEK ABDULLAYEVICH | Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor komissiya a'zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | XUSANOV BAXODIR ERGASHEVICH | Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy bo'yicha birinchi prorektor komissiya a'zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | XAYDAROV ILXOM QUDRATOVICH | O'quv ishlari bo'yicha prorektor komissiya a'zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | SALAYEV SHAVKAT AMINOVICH | Bosh muxandis komissiya a'zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | ISMADIYAROV ABDURAXMON KARSHIBAYEVICH | Bosh xisobchi komissiya a'zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | KARBAYEVA DILNOZA ALIMDJANOVNA | Reja moliya bo'limi boshlig'i v.b. a`zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | KUCHKAROV SHUXRAT FAXRIDINOVICH | Raqamli talim texnalogiyalari markazi bo'limi boshlig'i komissiya a'zo | Чирчик давлат педагогика институт |
| **Член комиссии** | FARMANOV URAZKUL LAPASOVICH | O'qitishning texnik vositalar bo'limi boshlig'i | Чирчик давлат педагогика институт |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.07.2022 года № лота 122963.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга, связанная с разработкой проектной документации** |
| Подробное описание | Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда |

| | |
|---|---|
| | жойлашган“Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш”смета-лойиҳа хужжатлари,топохарита,лойиха олди қидирув иши(Геология)ишлаб чиқиш учун |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 720 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 720 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 7.Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (солиқ қўмитасидан маълумотнома)

Тип: Текстовое значение

Описание: ДСҚ сидан маълумотнома Максимал балл ушбу фаолият тури бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иштирокчига берилади - 5 балл.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S ХК** | 5 | 5 | 4 | Экспертная | | |
| **ООО KOVCHEG-ART** | 5 | имеется | 5 | Экспертная | | |
| **ООО O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 5 | 1-критерия. Иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича солиқдан маълумотнома. | 4 | Экспертная | | |
| **D-INEX MCHJ** | 5 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 5 | 5 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 5 | 370000000 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 5 | такдим этилди | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ООО "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 5 | ДСБ га ишчи хизматчиларнинг ойлик маоши бўйича топширилган ҳисобот ва маълумотномалар PDF шаклдаги файлда илова қилинади. | 4 | Экспертная | | |

Критерий №2 3.Иш кучи ва иш тажрибаси.Тажрибали ва малакалиходимлармавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Баҳолаш танлов таклифида кўрсатилган маълумотлар (ушбу ходимларнинг ҳақиқий мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш, уларнинг иш тажрибаси, малакаси, иш тажрибаси тўғрисидаги

маълумотлар) асосида амалга оширилади. Иштирокчи қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак: 1. Рўйхати, иш стажи ва ходимларнинг лавозими (маълумотлар ҳттпс://мй.меҳнат.уз/ сайтидан иштирокчининг шахсий кабинетидан илова қилинган – бўлимлар: 1. “Ходимлар тўғрисида маълумот” ва 2. “Меҳнат шартномалари архиви” 2. Ходимларнинг ихтисослашуви ҳақида маълумот 3. Ходимларнинг маълумоти тўғрисидаги маълумотлар ходимл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| KELAJAK-S XK | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| OOO KOVCHEG-ART | 10 | имеется | 10 | Экспертная | | |
| OOO O`ZQURILISHMATERIALLITI | 10 | 8-критерия. Кадрлар ҳақида умумий маълумот. Кадр КР код. | 10 | Экспертная | | |
| D-INEX MCHJ | 10 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 5 | Экспертная | | |
| ORDER MAX PROJECT MCHJ | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| KESH GRAND GROUP MCHJ | 10 | 370000000 | 5 | Экспертная | | |
| ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ | 10 | такдим этилди | 5 | Экспертная | | |
| OOO "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT" | 10 | Жамиятимизнинг ишчи кучи ва иш тажрибаси. ҳамда тажрибали ва малакали ходимлар мавжуд, PDF шаклдаги файлда илова қилинади.. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 5.Иштирокчининг охирги уч йил давомида бажарган ишлари хақида маълумот( охирги 3 йил)

Тип: Текстовое значение

Описание: Баҳолаш таклифда кўрсатилган маълумотлар асосида амалга оширилади. 1. Иштирокчи асосий иш турларини санаб ўтиши ва бу ишлар бажарилган миқдорни кўрсатиши керак. Маълумотни тасдиқлаш сифатида қуйидагилар илова қилинади: 1.1 Шартномалар, 1.2 Давлат комиссияларининг ҳужжатлари; 1.3 Агар иштирокчи бош пудратчи ёки маълумотнома счёт-фактуралари бўлса, 1.4 Агар иштирокчи субпудратчи сифатида ишлаган бўлса, бажарилган ишлар бўйича фикр-мулоҳазалар. ва ҳ.к. 2. Аналог объект – янги талабалар турар-жойлари лойихалари қилинганлиги (янги қурилиш бўлиши керак) Максимал балл ушбу фаолият тури бўйича энг ях

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| KELAJAK-S XK | 15 | 15 | 13 | Экспертная | | |
| OOO KOVCHEG-ART | 15 | Охирги 3 йилда ушбу объектга ўхшаш объектларни бажарганлиги тўғрисида маълумотнома, объектни жойида бориб ўрган ҳолда, | 13 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фойдаланувчи (эксплутациион) ташкилот билан биргаликда жойида ўрганиб ташкилотнинг мухри ва измзоси билан тасдиқланган маълумотнома, | | | | |
| **ООО O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 15 | 7-критерия. Иш тажрибаси. Тасдиқловчи хужжатлар. | 12 | Экспертная | | |
| **D-INEX MCHJ** | 15 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 1 | Экспертная | | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 15 | 15 | 5 | Экспертная | | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 15 | 370000000 | 9 | Экспертная | | |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 15 | такдим этилди | 9 | Экспертная | | |
| **ООО "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 15 | Жамиятимиз томонидан охирги 4 йилдан ортиқ давр мобайнида амалга оширилган лойиҳа-смета ва бошқа ишлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд, PDF шаклдаги файлда илова қилинади. | 13 | Экспертная | | |

Критерий №4 1.Иштирокчи ҳақида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи компания бланкида қуйидаги (1-5) маълумотларни тақдим этиши керак: 1. Юридик шахснинг юридик шакли, банк реквизитлари, кўрсатилган ҳолда тўлиқ номи; 2.Юридик манзил; 3. Рўйхатга олиш рақами ва санаси; 4. Муассислар ва бенефициарлар тўғрисидаги маълумотлар (СТИР ва муассисларнинг тўлиқ исм-шарифи ва бошқалар); 5. Солиқ тўловчи тоифаси (ҚҚС тўловчи ёки тўловчи эмас); 6. Директорни тайинлаш тўғрисидаги буйруқ; 7. Иштирокчининг устави ва иштирокчининг давлат; рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома. 8. III тоифадаги обектларни лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вази

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО KOVCHEG-ART** | 5 | Имеется | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 5 | 5 ва 6-критерияда сўралган барча маълумотлар. | 5 | Экспертная | | |
| **D-INEX MCHJ** | 5 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 5 | Экспертная | | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 5 | 370000000 | 5 | Экспертная | | |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 5 | такдим этилди | 5 | Экспертная | | |
| **ООО "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 5 | 6-мезон шарти бўйича иштирокчи ҳақидаги умумий маълумот ва бошқа барча хужжатлар мавжуд PDF шаклдаги файлда илова қилинади | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

Критерий №5 6.Объектнинг жойига чиқиб кўрилганлиги тўғрисида далолатнома ва ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида кафолат хати (далолатнома буюртмачи иштироки билан бирга амалга оширилади)

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Объект бош режаси, фасад дизайнери, қаватлар режаси илова қилинсин. 2. Объект худудини жойига чикиб кўрилганлиги тўғрисидаги далолатнома. 3. Иш графиги 4. Ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида кафолат хати Максимал балл ушбу фаолият тури бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иштирокчига берилади - 15 балл.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 15 | 15 | 13 | Экспертная | | |
| **ООО KOVCHEG-ART** | 15 | Маълумотлар намунага мувофик юкланди | 12 | Экспертная | | |
| **ООО O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 15 | Ушбу майдонга маълумотлар киритиб бўлмаганлиги сабабли 6-критерия билан биргаликда ушбу критерия талаблари топширилди. | 6 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **D-INEX MCHJ** | 15 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 15 | Экспертная | | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 15 | 370000000 | 15 | Экспертная | | |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 15 | тақдим этилди | 10 | Экспертная | | |
| **ООО "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 15 | Объектнинг жойига чиқиб қўрилганлиги тўғрисида далолатнома ва ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида кафолат хати мажуд PDF шаклдаги файлда илова қилинади | 15 | Экспертная | | |

Критерий №6 2.Молиявий барқарорлик. Корхонанинг сўнгги уч йилдаги молиявий натижаларини таъминлаш

Тип: Текстовое значение

Описание: Баҳолаш тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботлари (пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкдан маълумотнома, бюджет ва бюджетдан ташқари қарзлар йўқлиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясидан маълумотнома) бўйича амалга оширилади. Иштирокчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак: 1. Молиявий холат 4-шакл охирги 3 йиллик; 2. Статистика хисоботлари охирги 3йиллик; 3. Бухгалтерия баланси Шакл форма-1 (охирги 3 йиллик) 4. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот форма-2 шакл (охирги 3 йиллик) 5. Давлат солиқ органидан қарздорлиги йуклиги тўғрисида маълумотнома асл нусхада; 6. Банкдан картотека-2 ва

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |
| **ООО KOVCHEG-ART** | 20 | имеется | 18 | Экспертная | | |
| **ООО O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 20 | 4-критерия. Молиявий ҳолат. Баланс. Молиявий натижа. Банкдан справка. Солиқдан справка. натижа. Банкдан справка. Солиқдан справка. | 17 | Экспертная | | |
| **D-INEX MCHJ** | 20 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 20 | 20 | 10 | Экспертная | | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 20 | 370000000 | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 20 | тақдим этилди | 15 | Экспертная | | |
| **OOO "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 20 | 1. Молиявий холат 4-шакл охирги 3 йиллик; 2. Статистика хисоботлари охирги 3 йиллик; 3. Бухгалтерия баланси Шакл форма-1 (охирги 3 йиллик) 4. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот форма-2 шакл (охирги 3 йиллик) 5. Давлат солиқ органидан қарздорлиги йуклиги тўғрисида маълумотнома 6. Банкдан картотека-2 қарздорлиги йўлиги тўғрисидаги барча хужжат ва маълумотномалр мавжуд PDF шаклдаги файлда илова қилинади. | 17 | Экспертная | | |

Критерий №7 8.Буюртмачилар томонидан берилган тавсифномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йил давомида фақат Буюртмачилар томонидан иштирокчининг самарали бажарган ишлари тўғрисида тавсифномалар (камида 3 та буюртмачидан) Максимал балл ушбу фаолият тури бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иштирокчига берилади - 10 балл

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **OOO KOVCHEG-ART** | 10 | имеется | 10 | Экспертная | | |
| **OOO O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 10 | 3-критерия. Буюртмачилардан тавсияномалар. | 10 | Экспертная | | |
| **D-INEX MCHJ** | 10 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 10 | 10 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 10 | 370000000 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 10 | тақдим этилди | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 10 | Буюртмачилар томонидан иштирокчининг самарали бажарган ишлари тўғрисида берилган тавсифнома мавжуд PDF шаклдаги файлда илова қилинади. | 5 | Экспертная | | |

Критерий №8 4.Керакли асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Баҳолаш таклифда кўрсатилган маълумотлар (таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва асбоблар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва кафолат хатлари) асосида амалга оширилади. 2. Иштирокчи асосий воситалар ва қолдиқ қиймат реестрини тақдим этиши шарт, чунки шаклда кўрсатилган маълумотларнинг тасдиқланиши, машиналар ва механизмлар, асбоб-ускуналар ва қурилмаларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатлар илова қилинади. Максимал балл энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иштирокчига берилади.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| **OOO KOVCHEG-ART** | 10 | имеется | 10 | Экспертная | | |
| **OOO O`ZQURILISHMATERIALLITI** | 10 | 2-критерия. Офис техникаси. Тасдиқловчи хужжатлар. | 5 | Экспертная | | |
| **D-INEX MCHJ** | 10 | Ma'lumotnoma namunaga asosan yuklandi | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | 10 | 370000000 | 5 | Экспертная | | |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | 10 | такдим этилди | 10 | Экспертная | | |
| **OOO "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | 10 | Техник топшириқда кўзда тутилган ишларни сифатли ҳамда оператив тарзда тезкорлик билан белгиланган муддатларида бажариш учун зарур бўладиган автотранспорт воситалари, қомпьютер, | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нусха кўпайтирувчи бошқа техникалар ва бошқа асосий воситалар мавжуд тасдиқловчи хужжатлар PDF шаклдаги файлда илова қилинади. | | | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 720 000 000.00 | 690 000 000.00 UZS | 690 000 000.00 | 00.00 | 690 000 000.00 | 20.07.2022 15:36:40 | 10.00 |
| **ООО KOVCHEG-ART** | 720 000 000.00 | 700 000 000.00 UZS | 700 000 000.00 | 00.00 | 700 000 000.00 | 20.07.2022 15:37:12 | 09.86 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **KELAJAK-S XK** | 83.9997 | 10 | 93.9997 |
| **D-INEX MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **KESH GRAND GROUP MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО O`ZQURILISHMATERIALLITI** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT"** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО KOVCHEG-ART** | 82.9998 | 9.86 | 92.8598 |
| **ORDER MAX PROJECT MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ТАЪМИРЛОЙИХА МЧЖ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122963 от 29.07.2022 года на приобретение Чирчиқ давлат педагогика институти Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган"Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш"смета-лойиҳа хужжатлари,топохарита,лойиха олди қидирув (Геология)ишлаб чиқиш учун определила победителем:

KELAJAK-S XK
202430660

и резервный исполнитель: ООО KOVCHEG-ART (301983446)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | KARBAYEVA DILNOZA ALIMDJANOVNA | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | MUXAMEDOV GAFURDJAN ISRAILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ORTIKOV OYBEK ABDULLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUSANOV BAXODIR ERGASHEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAYDAROV ILXOM QUDRATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SALAYEV SHAVKAT AMINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMADIYAROV ABDURAXMON KARSHIBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KUCHKAROV SHUXRAT FAXRIDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | FARMANOV URAZKUL LAPASOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Танлов комиссияси раиси
_______ Г.И.Мухамедов

"___"_______2022 йил

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сонли қонуни ва Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги қарор билан тасдиқланган Низомга асосан http://xarid.uzex.uz порталида лот рақами № 122963 электрон танлов бўйича институт ишчи гуруҳининг

8 – сонли **Б А Ё Н Н О М А С И**

Чирчиқ шаҳри "03" 08 2022 йил

Ишчи гуруҳ раиси – ТВЧДПИ ректори Г.И.Мухамедов

Қатнашдилар:

Ишчи гуруҳ аъзолари:

Б.Э.Хусанов Ёшлар масалалари ва маънавий маърифий ишлар бўйича биринчи проректор

И.К.Хайдаров Ўқув ишлари бўйича проректор

О.А.Ортиқов Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор

А.К.Исмадияров Бош ҳисобчи

Д.А.Карбаева Режа-молия бўлими бошлиғи в.б.

Ш.А.Салаев Бош мухандис

Ш.Ф.Кучкаров РТТМ бошлиғи

Ў.Л.Фармонов Ўқитишнинг техник воситалари бўйича бўлим бошлиғи

Ишчи гуруҳ котиби: Е.Э.Есиркепов Харид бўйича бош мутахассис

**Кун тартиби:**

Чирчиқ давлат педагогика институтининг Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган "Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш" смета-лойиҳа хужжатлари, топохарита лойиха олди қидирув (геология) ишлаб чиқариш ишларини олиб бориш учун ўтказилган танлов тўғрисида.

**Эшитдилар:**

Ишчи гуруҳ аъзоси Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор О.А.Ортиқов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 5-параграф 100-бандида агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши кўрсатилган.Ушбу низом асосида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан http://xarid.uzex.uz порталида № 122963 рақам лот билан 2022 йил 29 июль куни тугаган танлов баённомасида, қуйидаги жадвалда номлари келтирилган корхона ташкилотлар нарх ва баллар берилиши орқали танловда иштирок этган ва қуйидаги натижаларга эришишган.

**Корхона ва ташкилотларнинг танловда берган нарх ва баллар бўйича таклифларига олган баллари**

| Тижорат таклифини тақдим этган корхона ва ташкилот номи | Бошланғич сумма | Таклиф берилган сумма | Сумма Конвертация билан | Таклиф берилган сана | Жами нархга берилган балл |
|---|---|---|---|---|---|
| KELAJAK-S ХК | 720 000 000.00 | 690 000 000.00 UZS | 690 000 000.00 | 20.07.2022 15:36:40 | 10.00 |
| OOO KOVCHEG ART | 720 000 000.00 | 700 000 000.00 UZS | 700 000 000.00 | 20.07.2022 15:37:12 | 09.86 |

| № | Тижорат таклифини тақдим этган корхона ва ташкилот номи | Жами техник кўрсаткичлари бўйича тўпланган баллар | Жами молиявий кўрсаткичлари бўйича тўпланган балл | Жами тўпланган балл |
|---|---|---|---|---|
| 1. | "KELAJAK-S" ХК | 83.9997 | 10 | 93.9997 |
| 2. | "D-INEX" MCHJ | ўтмаган | ўтмаган | ўтмаган |
| 3. | "KESH GRAND GROUP" MCHJ | ўтмаган | ўтмаган | ўтмаган |
| 4. | ООО "O`ZQURILISHMATERIALLITI" | ўтмаган | ўтмаган | ўтмаган |
| 5. | ООО "EVRO-VOSTOK STROY PROEKT" | ўтмаган | ўтмаган | ўтмаган |
| 6. | ООО " KOVCHEG-ART" | 82.9998 | 9.86 | 92.8598 |
| 7. | "ORDER MAX PROJECT" MCHJ | ўтмаган | ўтмаган | ўтмаган |
| 8. | "ТАЪМИР ЛОЙИХА" МЧЖ | ўтмаган | ўтмаган | ўтмаган |

Юқоридагиларни инобатга олиб, низомнинг 100-банди бўйича лот рақами №122963 танлов электрон баённомаси http://xarid.uzex.uz порталида икки иш куни мобайнида турганлиги ва ушбу муддат ичида танлов иштирокчилари томонидан ҳеч қандай эътирозлар тушмаганлиги маълум бўлди.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан танлов ишчи гуруҳ аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, бир овоздан **"KELAJAK-S"** ХК томонидан берилган таклифлар мақул деб топиш мақсадга мувофиқ.

Кун тартибидаги масала юзасидан конкурс ишчи гуруҳининг бошқа аъзолари томонидан таклиф ва эътирозлар тушмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ишчи гуруҳ аъзолари

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ишчи гуруҳ аъзоси Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор О.А.Ортиқовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чирчиқ давлат педагогика институтининг Истиқбол 73 уй манзилда жойлашган "Янги 700 ўринли талабалар турар жойи биноси қуриш" смета-лойиҳа хужжатлари, топохарита лойиха олди қидирув (геология) ишлаб чиқариш ишларини олиб бориш учун **"KELAJAK-S"** ХК билан шартнома бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан тузиш Харид бўйича бош мутахассис Е.Э.Есиркеповга, тўлов харажатларини

амалга ошириш бош бухгалтер А.К.Исмадияров зиммасига юклансин.

3. Мазкур йиғилиш баённома қарорининг ижроси назоратини Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор О.А.Ортиқов зиммасига юклатилсин.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг имзолари:

**Б.Э.Хусанов** ________________

**И.К.Хайдаров** ________________

**О.А.Ортиқов** ________________

**А.К.Исмадияров** ________________

**Д.А.Карбаева** ________________

**Ш.А.Салаев** ________________

**Ш.Ф.Кучкаров** ________________

**Ў.Л.Фармонов** ________________

**Е.Э.Есиркепов** ________________